

Сийрат дарслари (217-дарс) Кеча ва кундуз Аллоҳнинг изнида



19:00 / 10.02.2023 1894

844. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ азза ва жалла айтади: «Одам боласи замонни сўкади. Ҳолбуки, замон Менман. Кеча ва кундуз Менинг қўлимда».**

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда: **«Туни ва кунини айлантриб тураман. Истаганимда қабз қиламан»**, дейилган.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Яна бошқасида: **«Аллоҳ азза ва жалла деди: «Одам боласи Менга озор беради. Замоннинг дастидан дод, дейди. Бирортангиз замоннинг дастидан дод демасин. Замон Менман. Унинг туни ва кунини айлантриб тураман. Истаганимда қабз қиламан»**, дейилган.

Муслим ривоят қилган.

* * *

845. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни, албатта, ҳақларни ўз эгасига адо қиласизлар. Ҳатто шохли қўйлардан шохсиз қўйлар учун ўч олинади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

846. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни одамлар орасида биринчи ажрим қилинадиган нарса қонлардадир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

847. Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ўлганларни сўкманглар, чунки улар қилган амаллари(нинг оқибати)га етиб бўлишган»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида марҳум одамни ёмонлик билан зикр қилишди. Шунда у зот:

«Марҳумларингизни яхшилик билангина зикр қилинглар», дедилар».

Насоий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан